

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 10

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 10 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Фарманова Гулнара Комилевна*  
МЕТОДЫ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО  
СОГДА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА ..... 9-18

*Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИНГ  
ҚУРИЛИШИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ ОХИРИ-30-ЙИЛЛАР  
БОШИ) ..... 19-26

*Ахмедов Шахзод Фарход ўғли*  
МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ  
УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ ..... 27-34

*Mirsoatova Sayyora Turg'unovna*  
MARKAZIY FARG'ONA NEOLIT JAMOALARI MADANIYATI HAQIDA MULOHAZALAR ..... 35-39

*Янгибоева Дилноза Ўктамовна*  
МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ФАОЛИЯТИ ..... 40-48

*Маҳмудов Эркинжон Асқаралиевич*  
АРАБЛАР ТОМОНДАН ФАРФОНАНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ..... 49-53

*Yoriqulov Nasibulla Xoliyorovich*  
O'ZBEKISTON HUDUDIGA G'ARB ME'MORCHILIK AN'ANALARINING KIRIB KELISHI ..... 54-58

*Ergasheva Bahridil G'olibjonovna*  
IJTIMOIY TARMOQLARDAGI REKLAMALARNING IJTIMOIY-MA'NAVIY HAYOTGA TA'SIRIGA  
DOIR MULOHAZALAR (ETNOSOTSIOLOGIK TAHLIL) ..... 59-65

*Абдухамидов Исломбек Абдухалим ўғли*  
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ..... 66-74

*Boltayeva Moxichehra Jamshid qizi*  
XORIJIIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR VA  
ERISHILGAN KO'RSATKICHLAR (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA) ..... 75-80

*Кандахаров Анваржон Хасанович, Бабаярова Шахноза Шухратовна*  
БУХОРО ХОНЛИГИДА АБДУЛЛАХОН II ДАВРИНИНГ ҚУРИЛИШ ИНШООТЛАРИ  
ТАРИХИГА БИР НАЗАР ..... 81-86

### 8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Boltayev Nurali Shiramatovich*  
AGRAR OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA MALAKALI KADRLAR TAYYORLASHNING  
BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI ..... 87-93

<i>Дустова Мухайё Худайбердиевна</i> РОСТ, УСТОЙЧИВОСТЬ, ДОХОДНОСТЬ: ЭКОНОМЕТРИКА ФИНАНСОВЫХ ПОТОКОВ НА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ .....	94-102
<i>Ravshanov Malik Naimovich</i> METHODOLOGY FOR DETERMINING THE NEED FOR ECONOMIC RESOURCES OF THE ROAD TRANSPORT COMPLEX.....	103-108
<i>Xushmuradov Oman Namozovich</i> TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI .....	109-115
<i>Raximjonov Kamronbek Ixomjon o'g'li</i> DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA KORRUPSIYANI OLDINI OLISH .....	116-121
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> АКАДЕМИК ИБРОҶИМ МЎМИНОВ ИЛМИЙ ЖАСОРАТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ .....	122-128
<i>Talabov Baxriddin Alijanovich</i> KONSTITUTIONIZM DEMOKRATIK RIVOJLANISHNING ASOSI SIFATIDA .....	129-134
<i>Tajibaev Muxiddin Abdurashidovich</i> JAMIYAT HAYOTIDA SINERGETIK DUNYOQARASH PARADIGMASINI TADQIQ QILISHNING AHAMIYATI .....	135-140
<i>Солиев Икромжон Комилжонович</i> РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИНСОН ҚАДРИ МУАММОСИ: ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН ....	141-147
<i>То'хтайев Хаким Primovich</i> TASAVVUF TA'LIMOTLARIDA QADRIYATLAR TRANSFORMATSİYASINING NAMOYON VO'LISH XUSUSIYATLARI .....	148-153
<i>Уразалиева Гулшада</i> СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КАТЕГОРИИ «ГЕНДЕР» В СИСТЕМЕ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ .....	154-160
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> ИЖТИМОЙ АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КУМУШХОНАВИЙ ВАСИЯТНОМАЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	161-165
<i>Xoliqov Lazizjon Maxmud o'g'li</i> GLOBAL O'ZGARISHLAR SHAROITIDA O'ZBEKISTONNING IJTIMOIIY-DUNYOVIY DAVLAT SIFATIDAGI MAQOMI (IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLIL) .....	166-171
<i>Quvonov Sardor Zokirovich</i> MA'NAVIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHDA "MANOQIBI SHAYX XUDOYDOD VALIY" ASARINING AHAMIYATI .....	172-179
<b>10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	

<i>Халметова Меҳрибону Гайратжонова</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕТСКОЙ ЛЕКСИКИ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ .....	180-186
<i>Abdijabbor Amanov</i> MURAKKAB SINTAKTIK BUTUNLIKNING MATNNING KATTA BIRLIGI SIFATIDA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	187-194
<i>Umarova Xurshida Zikiryoхonovna</i> AQSH ADABIYOTIDA PSIXOLOGIK ROMAN TADRIJI .....	195-203
<i>Odinayev Bekqul Imamqulovich</i> LISONIY SHAXS: TA'RIF, TAHLIL, TALQIN .....	204-210
<i>Jaloliddin Jo'rayev, Jamoliddin Jo'rayev</i> "DEVONI LUG'ATIT-TURK" VA "GULSHAN UL-ASROR"DAGI QADIMGI TURKIY SO'ZLAR QIYOSI .....	211-217
<i>Saidov Akmal Azimovich</i> "TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI" YO'NALISHIDA TAHSIL OLAYOTGAN TALABALARDA MADANIYATLARARO MULOQOT KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH .....	218-224
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Qosimov Botirjon Ma'ruffjon o'g'li</i> SUDYALAR OLIY KENGASHINI SUDYALARNING CHINAKAM HAMJAMIYATI ORGANIGA AYLANTIRISHNING KONSTITUTSIYAVIY MASALALARI .....	225-231
<i>Жўраев Дилмурот Мухторович</i> МАЪМУРИЙ ВА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ СУДДА ҲАЛ ЭТИШДА КЕЛИШУВ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР .....	232-240
<i>Эшонхонов Камолхон Маматхонович</i> БАНД СОЛИНГАН МУЛКНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ТАСАРРУФ ЭТИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР.....	241-246
<i>Бўриев Одил Қобилович</i> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ МЕЗОНИДИР .....	247-253
<b>13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Umarzoda Shohruh Azamat o'g'li</i> "ALGORITMIK TILLAR VA DASTURLASH ASOSLARI" FANI MAZMUNI VA O'QITISHNING MAVJUD HOLATI .....	254-259
<i>Эргашева Гули Исмоил кизи, Инамова Гуллола</i> ЗНАЧИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ ФОНЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ПРОЦЕССЕ КОММУНИКАЦИИ.....	260-265

<i>Bobomurotov Sirojiddin Mengziyo o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA TABIIY FANLARNI VARIANTIV TUSHUNCHALAR ASOSIDA O'QITISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING O'RNI .....	266-271
<i>Xudoyberdiyev G'iyosiddin Baxtiyor o'g'li</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI .....	272-277
<i>Ботиров Азизбек</i> РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: АНАЛИЗ И ПЕРСПЕКТИВЫ .....	278-283
<i>Эшбеков Сардор Журакулович</i> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШИНИГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	284-288
<i>Abdullaeva Feruza Suyunovna</i> KASBIY TERMINOLOGIYANI O'RGATISHDA INTERAKTIV TEXNOLOGIYALARNING O'RNI .....	289-293
<i>Ortiqov Oybek Rustamovich</i> OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING TASHKIL ETILISHI.....	294-298
<i>Erhanova Nasiba Absayitovna</i> MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARINING "TIL VA NUTQ" MARKAZIDA INNOVATSION FAOLIYAT OLIB BORISH .....	299-303
<i>Robiya Mannopova</i> INNOVATIVE COMPETENCY AS A CORE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS.....	304-308
<i>Qodirov Olim Odilovich</i> REFLEKSIV YONDASHUV, UNING MOHIYATI VA KONSEPTUAL ASOSLARI.....	309-314
<i>Xaydarova Mahliyo Xabibullayevna</i> TARBIYA FANINI O'QITISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	315-322
<i>Xasanova Gulsanam Xusanovna</i> IJTIMOIY-MADANIY FAOLIYATDA MAGISTRATURA TALABALARINING TASHKILIY- BOSHQARUV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH USULLARI .....	323-328



07.00.00 – Тарих фанлари

**Ахмедов Шахзод Фарход ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Тарих институти таянч докторант

### **МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда чорвачиликдаги умумий ҳолат, бош кўрсаткичлари ва мавжуд муаммоларни очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон ССР ва собиқ совет иттифоқи таркибидаги бошқа давлатларда чорва бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, аҳолисига нисбатан чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут ва тухум) истеъмол даражаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** чорвачилик, колхоз ва совхозлар, шахсий ёрдамчи хўжаликлар, гўшт, сут, тухум, чорва фермалари, зоотехника, ветеринария.

**Akhmedov Shakhzod Farkhod ugli**  
Institute of History of the Academy of Sciences of the  
Republic of Uzbekistan doctoral student

### **ABOUT ACHIEVEMENT OF INDEPENDENCE GENERAL CONDITION OF ANIMAL HUSBANDRY AND EXISTING PROBLEMS IN UZBEKISTAN**

**Abstract.** This scientific article reveals the general situation, main indicators and existing problems in livestock farming in Uzbekistan on the eve of independence. Also in the Uzbek SSR and other countries of the former Soviet Union, the number of livestock and indicators of livestock production, the level of consumption of livestock products (meat, milk and eggs) in relation to the population were analyzed.

**Key words:** livestock farming, collective and state farms, private farms, meat, milk, eggs, livestock farms, animal science, veterinary medicine.

**Ахмедов Шахзод Фарход угли**  
Институт истории Академии Наук  
Республики Узбекистан докторант

### **О ДОСТИЖЕНИИ НЕЗАВИСИМОСТИ ОБЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ЖИВОТНОВОДСТВА И СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация.** В данной научной статье раскрывается общая ситуация, основные показатели и существующие проблемы в животноводстве в Узбекистане накануне независимости. Также в Узбекской ССР и других странах бывшего Советского Союза анализировались поголовье скота и показатели производства продукции животноводства, уровень потребления продукции животноводства (мяса, молока и яиц) по отношению к населению.

**Ключевые слова:** животноводство, колхозы и совхозы, частные подсобные хозяйства, мясо, молоко, яйца, животноводческие фермы, зоотехника, ветеринарная медицина.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I10Y2023N03>

Юртимиз ҳудуди чорвачилик дастлаб шаклланган ва ривож топган ҳудудлар қаторига киради. Асрлар давомида чорвачилик халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ҳозирги кунда ҳам чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Чорвачилик оилалар фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта ўрин тутади. Чунки аҳолининг кундалик истеъмол харажатларининг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади [1].

Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам бошқа собиқ совет республикаларидаги каби иккита секторга бўлинган эди: 1) йирик коллектив ва давлат хўжаликлари (колхоз ва совхозлар), 2) қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг унчалик катта бўлмаган шахсий ёрдамчи хўжаликлари. Колхоз ва совхозлар давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берарди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда ўз эҳтиёжи ва сотиш, жумладан, маҳаллий бозорларда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йилида шудгор қилинадиган ерларнинг атиги 3 фоиздан фойдаланган ҳолда, республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 20-25 фоизини ишлаб чиқарарди [2].

XX аср 80 йиллари охирига келиб Ўзбекистонда барча соҳаларда ниҳоятда оғир иқтисодий ва ижтимоий ҳолат вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида ҳам баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг ўсиши унга бўлган талабнинг ўсишига, ишлаб чиқаришнинг паст суратлари туфайли етиб ололмаган. Масалан Ўзбекистон ССРда 1976-1980 йилларда ўртача йиллик гўшт етиштириш ўтган “беш йиллик” га нисбатан 5,7 фоизга ўсган, бу даврда ўртача йиллик аҳоли сони эса 4,7 фоизга ўсган. Бу кўрсаткич аҳоли жон бошига гўшт етиштириш 1 фоиздан ҳам камроқ миқдорда бўлганлигини билдиради. Бунинг бош сабаби сифатида чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги баъзи тармоқларининг паст ва беқарор ривожланиши кўрсатилади [3]. Партия ва совет ташкилотлари чорвачиликнинг бу аҳволга келишига “сабабчи” сифатида чорвачиликка масъул кишиларни эскича иш услубида ишлаб, илғорлар тажрибаси, интенсив технология воситаларидан фойдаланмаганликларини рўкач қилган. Шунингдек, хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун йўл-йўриқлар бериш билан бир қаторда, ўз ишига совуққонлик билан қараган айрим раҳбарларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиб келди [4]. Яна бир томондан айрим таҳлилларда чорвачиликнинг интенсив ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири сифатида чорва учун ем-хашак етиштиришнинг заифлиги ва бунга кўплаб хўжаликларда колхоз ва совхоз раҳбарларида ташаббускорликнинг йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилади [5]. Ҳақиқатдан ҳам бу даврда Ўзбекистон ССР колхозларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг орқада қолган тармоғи чорвачилик ҳисобланарди. Республика колхозлари чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдан фақат 1987 йилда 37,5 миллион рубль миқдорда зарар кўрган, бу эса ҳар йили колхозлар иқтисодиётига ва озиқ-овқат дастурини амалга оширишга жуда катта зарар етказган [6].

**Ўзбекистон ССР аҳолисининг СССР ва бошқа айрим давлатлар аҳолисига нисбатан чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут ва тухум) истеъмол даражаси (1988-йил)**

Маҳсулот номи	Истеъмол нормаси	Ўзбекистон ССРда		Ушбу кўрсаткич СССР ва бошқа айрим давлатларда			
		ҳақиқий истеъмол қилинди	ўртача 1970-1988 йилларда ўсиш	СССРда	АҚШ да	Францияда	Англияда
Гўшт ва ғўшт маҳсулотлари (килограммда)	60	31	110 гр	66	123	108	81
Сут ва сут маҳсулотлари (килограммда)	251	200	2,7 кг	356	265	401	322
Тухум (донада)	165	117	2,4 дона	275	235	255	228

Жадвалда кўриниб турибдики, жумҳурият аҳолиси керакли бўлган миқдорда зарур бўлган чорва маҳсулотлари (гўшт, сут ва тухум) истеъмол қилмай келди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш меҳнаткашларни моддий қизиқтиришга боғланмаганлиги таъкидланади [7]. Бунга сабаб эса асосан давлат хўжаликларида етиштирилган чорва учун ҳукумат томонидан белгиланган қатъий нарх ҳисобланади. Айрим ҳолларда давлат хўжаликларидан сотиб олинган чорва гўшти учун белгиланган қатъий нарх ҳаттоки бир неча ўн йиллар давомида ўзгармасдан келган.

Энг ачинарли томони, Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилиб келди [8]. Шунингдек, агар чорва маҳсулотлари билан бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ёрдам беришни тўхтатиб қўйсалар, ушбу гўшт ва сут маҳсулотлари истеъмоли яна 40 фоизга камайиб кетиши мумкинлиги қайд этилган [9]. 1989 йили республика статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўтказилган расмий сўровномада қатнашганларнинг 89,3 фоизи гўшт маҳсулотларини, 56,5 фоизи сут маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган [10].

80 йилларнинг охирларига келганда Ўзбекистон ССР колхозларини чорвачиликдаги кўрсаткичларини бошқа айрим ўлкаларникига солиштирганда жуда катта салбий фарқни кўриш мумкин.

Чорвачиликдаги кўрсаткичлар	Ўзбекистон жумҳурияти	СССР	Украина ССР	Белоруссия ССР
Чорвачиликда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик еридан олинган даромад (минг рубл)	13,7	22,9	64,7	79,1

Ўртача бир сигирдан соғиб олинаётган сут маҳсулдорлиги (кг)	2449	2789	2876	3154
Гўшт етиштириш таннархи (1 тоннасига рублда)	2942	2590	2306	2594
Сут етиштириш таннархи (1 тоннасига рублда)	338	323	291	297
Тухум етиштириш таннархи (1 доннасига рублда)	121	86	79	51

Масалан, чорвачиликда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалиги еридан олинадиган даромад Ўзбекистон ССРда 13,7 минг рублни ташкил этса, бу кўрсаткич Украина ССР да 64,7 минг рубль, Беларус ССР да 79,1 минг рубль, бутун СССР бўйича эса 22,9 минг рублни ташкил этган. Шунингдек, ўртача бир сигирдан соғиб олинаётган сут маҳсулдорлиги СССР ва унинг таркибидаги бошқа республикаларга қараганда анча паст, чорвачилик маҳсулотлари: гўшт,сут ва тухум етиштириш таннархи эса нисбатан анча қимматга тушган [11].

Чорвачиликда маҳсулдорликнинг пастлигига колхозларда ем-хашак базасининг тўлалигича ташкил этилмаётганлиги, озуқа миқдори ва рационини керакли даражада эмаслиги сабаб сифатида келтирилган [12]. Озуқа етиштиришнинг пастлигини қишлоқ хўжалиги экинзорлари тузилмасида озуқа майдонлари жуда озлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, озуқа экинлари майдони 1988 йилда 23,2 фоизни, 1989 йилда 24,5 фоизни, 1990 йилда эса 23,9 фоизни ташкил этган [13]. Шунингдек, кўпгина хўжаликлар мавжуд имкониятлардан ҳам етарли даражада фойдаланмаган. Чорва озуқаси экиш учун ажратилган ер майдонларидан тўлиқ фойдаланмаслик, озуқа экинларини парвариш қилиш ва йиғиштириб олишда оддий агротехника қоидаларига амал қилмаслик натижасида улардан режадаги ҳосилдорлик олинмай, озуқа экинлари нобуд бўлган. Чорвачилик фермаларини кўпчилигида ҳатто озуқа сақлаш ҳовлилари мавжуд эмас эди. Хўжаликларда эса аслида экилмаган чорва озуқасини “кўзбўямачилик” ва “қўшиб ёзиш” йўли билан экилганлиги қайд этиб борилган ҳолатлар кўп учраган [14].

Умуман олганда, “қўшиб ёзиш” га совет тузуми даврида пайдо бўлган ва ўша тузумнинг моҳиятини белгиловчи иллат сифатида қараш мумкин. Чорвачиликда ҳам давлат ва жамоа хўжаликларида чорва бош сони, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, озуқа экинлари экиш кўрсаткичларида доимий “қўшиб ёзиш” ҳолатлари кузатилди. Хусусий мулкнинг мавжуд эмаслиги, шахсий манфаатдорликнинг йўқлиги, маъмурий мажбурловлар натижасида хўжаликларда “қўшиб ёзиш” эҳтиёжи пайдо бўлди ва афсуски бу жараён мустақиллик эришилганидан сўнг ҳам давом этди.

Шунингдек, кўпчилик фермаларда қорамол ва сигир бош сони кўпайиш ўрнига камайиб бораётганига хўжаликларда зоотехника, ветеринария,наслчиликдаги ишларнинг ёмон йўлга қўйилганлиги, оқибатда эса сигирлар қисир қолаётганлиги, кўплаб сигирлар ҳар хил касалликларга учраб харажатга чиқиб кетаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Паррандачилик йўналишида ҳам аҳвол қониқарсиз даражада келиб қолиши натижасида республика хўжаликларида 1988-1990 йилларда ўртача бир товуқдан олинадиган тухум миқдори 114 тадан 108 тага тушиб қолган. Тухум берувчи товуқлар

сони эса 20 фоизга камайиб кетган [15]. Паррандачилик фабрикаларида паррандаларни бетартиб парвариш қилиш ва овқатлантириш, зооветеринария қоидаларига риоя қилмаслик, озуқа сифатининг пастлиги ва етишмаслиги 1990 йилда паррандаларнинг меъеридан ортиқ нобуд бўлишига олиб келган [16].

Қўй ва эчкилар бош сони 1990 йилга келиб 1989 йилга нисбатан 9 фоизга, чўчқалар бош сони эса 13 фоизга камайган. Умуман ҳўжаликларда 1990 йилда жами 65,6 минг тонна тирик вазнда гўшт етиштирилган бўлса, шундан 49,9 минг тоннасини қорамол гўшти, 12,4 минг тоннасини қўй ва эчки гўшти, 2,1 минг тоннасини чўчқа гўшти, 1,2 минг тоннасини парранда гўшти ташкил қилган [17]. Бу рақамлар республикада йилдан йилга чорвачилик маҳсулотларини етиштириш камайиб кетаётганлигини ва 1990 йилга келганда оғир ҳолатга тушиб қолганлигини кўрсатади.

СССР ва унинг таркибидаги республикаларда 1991 йил бошларидаги чорва молларининг бош сони ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари таҳлилида республикамиз чорвачилигидаги вазият яққол намоён бўлади [18].

**СССР ва унинг таркибидаги республикаларда чорва ҳайвонлари бош сони**  
(1991 йил 1 январ ҳолатига, миллион бош)

	Йирик шохли молар	Сигирлар	Қўй-эчкилар	Чўчқалар	Паррандалар
СССР	115,7	41,5	140,8	75,6	1200,4
РСФСР	57,0	20,5	58,2	38,3	659,8
Украина	24,6	8,4	8,4	19,4	246,1
Белоруссия	7,0	2,4	0,4	5,1	50,6
Ўзбекистон	4,6	1,9	9,2	0,7	36,0
Қозоғистон	9,8	3,4	35,7	3,2	59,9
Грузия	1,3	0,6	1,6	0,9	21,8
Озарбайжон	1,8	0,7	5,4	0,2	29,1
Литва	2,3	0,8	0,1	2,4	16,8
Молдова	1,1	0,4	1,3	1,8	24,6
Латвия	1,4	0,5	0,2	1,4	10,3
Қирғизистон	1,2	0,5	10,0	0,4	13,9
Тожикистон	1,4	0,6	3,3	0,2	8,2
Арманистон	0,6	0,2	1,2	0,3	9,4
Турманистон	0,8	0,3	5,5	0,3	7,4
Эстония	0,8	0,3	0,1	1,0	6,5

**СССР ва унинг таркибидаги республикаларда чорвачилик маҳсулотлари**  
(гўшт, сут, тухум) етиштириш кўрсаткичлари  
(1990 йил ҳолатига)

	Гўшт	Сут	Тухум
--	------	-----	-------

	(минг тонна)	(минг тонна)	(миллион дон)
СССР	20011	108384	81725
РСФСР	10112	55715	47470
Украина	4358	24508	16287
Белоруссия	1181	7457	3657
Ўзбекистон	484	3034	2453
Қозоғистон	1548	5642	4185
Грузия	170	660	769
Озарбайжон	176	970	985
Литва	530	3157	1273
Молдова	366	1512	1129
Латвия	308	1893	819
Қирғизистон	254	1185	714
Тожикистон	108	575	592
Арманистон	93	432	518
Турманистон	104	436	327
Эстония	219	1208	547

1989 йил якунларига кўра Ўзбекистон ССР да жами 880 та колхоз бўлиб, уларнинг жами ер майдони 4092,4 минг гектарни ташкил қилган. Шундан ҳайдаладиган қисми 1445,4 минг гектардан 67 фоизига пахта экилган бўлса, атиги 15,5 фоизига беда экилган [19].

Бу борада яна шуни таъкидлаш лозимки, 1990 йилга келиб давлат ва жамоа хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўп ҳолларда иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб қолди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда кўрилган зарар пахтачилик ва бошқа тармоқлардан олинган даромадлар ҳисобига қопланди. Зарар кўришнинг асосий сабабларидан бири етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг камайиб кетишидир. Бу эса ўз навбатида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятларини пасайтириб юборди [20]. Давлат ва жамоа хўжаликларида чорва бош сони камайиб кетаётганлигини ҳисобга олиб Жумҳурият Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси мустасно равишда қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳаттоки аҳолидан мол сотиб олишга рухсат берган [21]. Хўжаликлар аҳолидан мол сотиб олиб гўшт режасини бажарар эди. Давлат стандартига тўғри келадиган мол эса топилмас эди. Шунга қарамасдан айрим давлат ва жамоа хўжаликлари аҳолидан мол сотиб олиб, уни боқиб, кейинчалик давлатга сотиш орқали зарар кўрган. Масалан, Қашқадарё вилояти Косон ноҳиясидаги “Энгелс” номли давлат хўжалигида аҳолидан мол сотиб олиб, уни давлатга сотишдан 30,2 минг сўм зарар кўрилганлиги аниқланган [22]. Чунки, чорва гўшти учун давлат харид нархи бозор нархларидан анчайин паст эди.

Томорқа ерларининг камайиб бориш қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлашишига сабаб бўлган ва ем-хашак йўқлиги туфайли қишлоқ аҳолисининг 20 фоизда чорва моли бўлмаган [23]. Ушбу йилларда Ўзбекистонда жумҳуриятида 200 мингга яқин колхозчи ўз хонадонида (22 %) ҳеч қандай мол турлари ушламаган. 259 мингида эса (28%) қорамол, 370 мингида (40%) сигир, 512 мингида

(55%) қўй ва эчки сақлаб боқилмаган [24]. 1989 йил 31 мартдаги бошқа маълумотларга қараганда эса Ўзбекистон ССРнинг Сирдарё вилоятидаги 42 та, Самарқанд вилоятидаги 36 та, Қашқадарё вилоятидаги 28 та хўжаликда умуман сигирлар бўлмаган. Қишлоқларда истиқомат қилувчи хонадонлардан 770 мингтасида ёки 41 фоизда умуман қорамол боқилмаган [25]. Совет давридаги ижтимоий мулкни ўрнатиш сиёсати ўзбек таомларининг энг асосий таркиби ҳисобланган гўшти оилаларда мол боқиб етказиш одатидан чеклаб маҳрум қилди [26].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Совет давлатининг пахта мустақиллигини таъминлаш учун “байналмилал бурч” ни адо эта бориб, кўра-била туриб, республика манфаатларига ва илмий агротехника талабларига путур етказиб, мева ва сабзавот, ем-хашак тайёрлашни чеклаб қўйишга, демакки, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни чеклаб қўйишга мажбур қилинди. Суғориладиган асосий ерларнинг пахтазорга айлантирилиши натижасида ўзбек деҳқони ўз томорқаларидан ажраб қолди. Чорва яйловлари узлуксиз камайиб борди, қишлоқ хонадонларида ҳам моллар сони кескин камайиб кетди. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликдаги муаммолар иттифоқ ва республиканинг партия совет ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг кун тартибидан тушмади. Бу муаммоларни ечиш учун “қанчадан қанча” куч ва маблағлар сарфланди. Лекин кескин ўзгариш рўй бермади. Деҳқон ва чорвадорлар соҳада ечимини топмаган муаммолар билан бир ўзи танҳо қолаверди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлигининг сабаби эса маъмурий-бўйруқбозлик тизими билан мураса қилиб келинганида, хўжаликлар фаолиятида ўз тизими ва йўналишининг йўқлигида эди. Яна бир жиҳати чорвачилик хўжаликларида ҳам хусусий мулк мавжуд бўлмаганлиги учун эса давлат мулки ва жамоа мулки деб аталувчи “мулк” беармон талон-тарож қилинди. Шунингдек, аграр соҳа ким хоҳласа аралашаверадиган, бўлар бўлмасга ўтказилаверадиган синовлардан жабрланди. Кўп йиллар давомида ерга нисбатан давлат мулки муносабатларининг ҳукмронлик қилгани ва кишиларда социализмга хос фикрлашнинг мавжудлиги ҳеч қандай иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга имкон бермаган.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022-йил 16-февраль куни чорвачилик соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. 2022-йил 17-февраль. 36-сон. 1-бет.
2. Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари, “Насаф” нашриёти 2010 йил. 30-бет.
3. Х.Сулаймонов. Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон колхозчи деҳқонларининг моддий фаровонлигининг юксалиши. Тошкент. “Фан”. 1985 йил. 20-21 бет.
4. М.Усмонов. Халқ контроли чорвачиликда. Тошкент. “Мехнат”. 1986 йил. 20-бет.
5. Кадырова. М.М. История развития животноводства в Узбекистане (80-годы). Диссертация на создание ученой степени кандидата исторических наук. 1993 год.
6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Ўзбекистон колхозлар кенгаши мажлислари иштирокчиларининг ҳисоботлари (1988-1989 йил), 8-варақ.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 121-варақ.
8. Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. "Ўзбекистон". 2011 йил. 114-бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 121-варақ.
10. Ш.Р.Қобилов. Мустақиллик ғойибдан келган эмас... "Ўқитувчи" нашриёти-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2012. 38-бет.
11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 122-варақ.
12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 124-варақ.
13. "Гап билан чорва тўймади". Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 1992 йил. 1-сон. 17-бет.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-90-фонд, 13-рўйхат, 13-иш, 225-226 варақ.
15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 124-варақ.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Р-90-фонд, 13-рўйхат, 17-иш, ЎЗР ҚХВ ҳайъатининг йиғилиш қарорлари (1991 йил ) 74 варақ.
17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Ўзбекистон ССЖ колхозлар кенгашининг қарорлари 3-том (1990-йил), 3-4 варақ.
18. Народное хозяйство СССР в 1990 г. Статистический ежегодник. "Финансы и статистика". Москва. 1991. 497-505 стр.
19. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 184-варақ.
20. Ўз МДА, М-83-фонд, 1-рўйхат, 1-2 варақ.
21. Ўз МДА, Р-90-фонд, 13-рўйхат, 14-иш, ЎЗР ҚХВ ҳайъатининг йиғилиш қарорлари (1991 йил ) 18 варақ.
22. Ўз МДА, Р-90-фонд, 13-рўйхат, 58-иш, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги буйруқлари. 1991-йил. 253-варақ.
23. Ўзбекистонда аграр соҳадаги трансформация жараёнлари (1985 – 2016 йй.) Хўжамуратов Умаржон Рустамович. тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2020. 27-б.;
24. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги идоравий архиви// Жумхурият колхозлар кенгашининг қарорлари 1-том (1990-йил), 123-варақ.
25. Каримов. И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: "Ўзбекистон". 1995. 210-бет.
26. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти: Ўқув қўлланма. —Т.: „Ўқитувчи“, 2003. —52 бет.



# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 10 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).